

Умнатга ибрат бўлганлар



14:27 / 15.04.2025 1601

Шайх Абулҳасан Надавий раҳматуллоҳи алайҳи «Мусулмонларнинг таназзули сабаб дунё нималарни йўқотди?» номли китобида қуйидагиларни ёзади:

«Адиблардан бири шундай деган эди: «Икки нарса борки уларнинг аниқ вақти йўқ. Шахснинг ҳаётидаги уйқу ва миллатнинг ҳаётидаги таназзул. Шунинг учун бу иккисини фақатгина улар ғолиб келиб, эгалик қилганидан кейингина билинади».

Ҳақиқатда бу кўплаб миллатларнинг ҳаётида бор бўлган масаладир. Бироқ мусулмонларнинг ҳаётидаги бошланган таназзул ва пасайиш бошқа миллатларникидан кўра ёрқинроқ экани кузатилади. Биз агар камолотга етиш билан завоқ топишнинг ўртасини ажратиб тургувчи чегарага бармоғимизни қўймоқчи бўлсак, хулафои рошидинлар билан араб

подшоҳлиги ёки мусулмонларнинг подшоҳлигининг ўртасини ажратиб турадиган ўша тарихий чизиққа қўйишимиз аниқ эди».

Бу мусулмонларнинг таназзули рошид халифалар – Абу Бакр Сиддик, Умар Форук, Усмон Зуннурайн ва Али Муртазо розияллоҳу анҳумларнинг даврларидан кейин бошланган деганидир. Кўпчилик уларга имом Ҳасан розияллоҳу анҳунинг олти ойлик халифалик қилган даврларини ҳам қўшадилар. Бошқача қилиб айтганда, қирқинчи ҳижрий санада мусулмонларнинг тамаддуни ривожланишдан тўхтаган, таназзул бошланган. Ушбу гапни деярли барча мусулмон уламолар тасдиқлайдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳижратларининг қирқ биринчи йилдан, шайх Абулҳасан Надавий раҳматуллоҳи алайҳининг таъбири билан айтганда, араб подшоҳлиги ёки мусулмонларнинг подшоҳлиги даври бошланган. Ана ўша давр бошланганда мусулмонлар тамаддуни биносига бир дарз кетган. Кейин эса замон ўтиши билан мазкур дарз аста-секин катталашиб борган.

Шайх Абулҳасан Надавий раҳматуллоҳи алайҳи рошид халифалар даври ҳақида қуйидагиларни ёзади:

«Ислом жамиятига – ва билвосита оламга - йўлбошчилик қилиш иймон, эътиқод, амал, ахлоқ, тарбия, тартиб, нафс поклиги, ҳаёт тарзининг юксаклиги, комиллик ва мўътадиллик жиҳатидан ҳар бирлари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юксак мўъжизалари бўлган шахсларнинг қўлларида турган эди. Уларни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шакллантирган ва Исломнинг қолипига солиб қўйган эдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг жисмлари, кўнгил истаклари, ҳаракатлари, рағбатлари ва ҳою ҳаваслари ҳеч ҳам ўзлариникига ўхшамайдиган бўлиб қолганди. Борди-ю, бирор бир шахс диққат қилиб боқадиган бўлса уларнинг сийратлари ва ахлоқлари орасида Исломнинг руҳияти ҳамда исломий ҳаётга терс келадиган ҳеч бир камчиликни кўрмаган бўлар эди. Фаразан Ислом башар тимсолида намоён бўлганида уларнинг бирорталари сингари каби бўлишдан ошиғига ўтмаган бўларди. Улар биз айтиб ўтганимиздек, дин ва дунёнинг ҳамда у иккисининг ўртасини жамлашнинг мукамал тимсоллари ва етук намуналари эдилар. Шу сабабли улар одамлар билан намоз ўқийдиган имомлар, уларнинг муаммоларини ечиб берадиган, уларнинг ўрталарида адолат ва илм билан ҳукм чиқарадиган қозилар, мусулмонларнинг моллари ва хазиналари учун ишончли кимсалар бўлган, мамлакатнинг ишларини назорат қиладиган ва Аллоҳнинг ҳаддларини қоим қиладиган шахслар эдилар. Уларнинг бирлари бир пайтнинг ўзида

тақводор зоҳид ва қаҳрамон жангчи, тушунчаси ўткир қози, мужтаҳид фақиҳ, тадбиркор амир, уста сиёсатчи эди. Битта шахсда ҳам дину диёнат ва ҳам сиёсат ўз ифодасини топар эди. У ҳам бўлса халифа ва мўминларнинг амири бўлиб унинг атрофида - агар таъбир жоиз бўлса, - ана шу мактаб Пайғамбар мактабининг ёки масжидун набийнинг битирувчилари бор эдилар. Улар бир тану бир жон, битта тарбияни олган одамлар бўлиб халифа уларнинг фикрлари билан ўртоқлашар ва улардан фойдаланар эди. Зеро, муҳим саналган ҳеч бир ишни уларнинг иштирокисиз ҳал қилмас эди. Ҳатто улардаги руҳият маданиятга, ҳукуматдаги тузимга, одамларнинг ҳаёти, жамияти ва ахлоқларига сингиб кетган, маданиятга бўлган рағбат ва майллари аксига олиб бу борадаги ўз хусусиятларини намоён қилиб бўлганди. Шунинг учун руҳ билан модданинг ўртасида адоват, дин билан сиёсатнинг ўртасида кураш, дин билан дунёнинг ўртасида тафовут, принциплар билан манфаатлар ўртасида тортишув, ғаразлар билан ахлоқлар орасида сиғишмовчилик, табақалар орасида ўзаро қирғинбаротлар ва шахватлар йўлида мусобақалашилар йўқ эди».

Шунинг учун ҳам уларни «Рошид халифалар» – тўғри йўлдаги Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ўринбосарлари деб номланган. Уларнинг ҳар бирлари икки оёғи билан ер юзида юрадиган Қуръонлар бўлганлар. Уларнинг ҳар бирлари мусулмон умматига жонли ибрат бўлганлар. Рошид халифаларнинг асосий қилган ишлари ихлос билан инсониятнинг инсонийлигини рўёбга чиқариш бўлган. Уларда инсониятга етакчилик қилиш шартлари мужассам бўлган.

«Исломий етакчилик шартлари:

«Ҳақиқатда Исломий раҳбарлик жуда ҳам нозик ва кенг қамровли сифатларни талаб қилади. Биз уларни иккита калима – жидди жаҳд ва ижтиҳодга жам қилишимиз мумкин. Бу иккаласи енгил ва оддий сўзлар. Аммо улар кўплаб маъноларга бой сермазмун калималардир.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида чоп этилган.